



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 29 » mart

№ 165

Toshkent sh.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги иштирокида “Ўзбекистонда коронавирус Covid-19 пандемиясига қарши шошилиш чоралар кўриш” ҳамда “Ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 22 апрелдаги ПҚ-4691-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

а) Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (кейинги ўринларда – ЯХҲА) иштирокида “Ўзбекистонда коронавирус Covid-19 пандемиясига қарши шошилиш чоралар кўриш” ҳамда “Ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаларини (кейинги ўринларда – Лойиҳа) амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳамда ЯХҲА ўртасида бюджетни қўллаб-қувватлаш учун қарз жалб қилиш бўйича музокаралар ўтказилганлиги;

б) ЯХҲА қарзлари қуйидаги шартларда жалб этилаётганлиги:

“Ўзбекистонда коронавирус Covid-19 пандемиясига қарши шошилиш чоралар кўриш” лойиҳаси бўйича 15 йил муддатга, шу жумладан 4 йиллик имтиёзли даври билан йиллик 0,01 фоизда 15,0 млрд япон йенаси миқдорида;

“Ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси бўйича 25 йил муддатга, шу жумладан 7 йиллик имтиёзли давр билан 6 ойлик LIBOR+1,1 фоизда 195,0 млн АҚШ доллари миқдорида;

в) ЯХҲА қарзлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажатларини молиялаштириш учун ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

ЯХҲА иштирокида “Ўзбекистонда коронавирус Covid-19 пандемиясига қарши шошилиш чоралар кўриш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида ЯХҲА томонидан ажратиладиган қарзни қайтариш, фоиз ва бир марталик тўлов бўйича тўловларни амалга оширишнинг прогноз жадвали 1-иловага;

ЯХҲА иштирокида “Ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида ЯХҲА томонидан ажратиладиган қарзни қайтариш, фоиз ва бир марталик тўлов бўйича тўловларни амалга оширишнинг прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Лойиҳанинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, ЯХҲА томонидан ажратиладиган қарзлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

ЯХҲА томонидан ажратиладиган қарзларни қайтариш, фоиз ва бошқа тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ЯХҲА томонидан ажратилган қарзлардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш юзасидан “MUFG Bank Ltd” банки (Япония) билан банклараро битимни имзолаш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари О.Р. Исаковга ЯХҲА билан “Ўзбекистонда коронавирус Covid-19 пандемиясига қарши шошилиш чоралар кўриш” ва “Ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан қарз битимларини ва алмашинув ноталарини Ўзбекистон Республикаси (Ҳукумати) номидан имзолаш ваколати берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ЯХҲА қарзлари учун Марказий банкда ҳар бир қарз шартномаси бўйича алоҳида ҳисобварақ очсин ва жалб қилинган қарзларни Молия вазирлиги Ғазначилигининг чет эл валютасидаги ягона ғазна ҳисобварағига кўчирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ва ЯХҲА ўртасида имзоланган қарз битимлари бўйича белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

**ЯХҲА иштирокида “Ўзбекистонда коронавирус Covid-19 пандемиясига қарши шошилиш чоралар кўриш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида ЯХҲА томонидан ажратиладиган қарзни қайтариш, фоиз ва бир марталик тўлов бўйича тўловларни амалга оширишнинг
ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ**

Қарз миқдори	15 млрд япон йенаси
Қарз муддати	15 йил
Имтиёзли давр	4 йил
Фоиз ставкаси	0,01%
Бошланғич бир марталик тўлов	0,10%

япон йенаси

Тўлов даври	Қарз қолдиғи	Тўлов миқдори			Тўланиши лозим бўлган умумий сумма **
		асосий қарз	фоизлар	бир марталик тўлов *	
20.02.2021	15 000 000 000			15 000 000	15 000 000
20.08.2021	15 000 000 000		754 167		754 167
20.02.2022	15 000 000 000		766 667		766 667
20.08.2022	15 000 000 000		754 167		754 167
20.02.2023	15 000 000 000		766 667		766 667
20.08.2023	15 000 000 000		754 167		754 167
20.02.2024	15 000 000 000		766 667		766 667
20.08.2024	15 000 000 000		758 333		758 333
20.02.2025	14 347 806 000	652 194 000	733 332		652 927 332
20.08.2025	13 695 633 000	652 173 000	688 586		652 861 586
20.02.2026	13 043 460 000	652 173 000	666 666		652 839 666
20.08.2026	12 391 287 000	652 173 000	623 006		652 796 006
20.02.2027	11 739 114 000	652 173 000	599 999		652 772 999
20.08.2027	11 086 941 000	652 173 000	557 427		652 730 427
20.02.2028	10 434 768 000	652 173 000	533 333		652 706 333
20.08.2028	9 782 595 000	652 173 000	494 565		652 667 565
20.02.2029	9 130 422 000	652 173 000	466 666		652 639 666
20.08.2029	8 478 249 000	652 173 000	426 268		652 599 268
20.02.2030	7 826 076 000	652 173 000	399 999		652 572 999
20.08.2030	7 173 903 000	652 173 000	360 688		652 533 688
20.02.2031	6 521 730 000	652 173 000	333 333		652 506 333
20.08.2031	5 869 557 000	652 173 000	295 108		652 468 108
20.02.2032	5 217 384 000	652 173 000	266 666		652 439 666
20.08.2032	4 565 211 000	652 173 000	230 797		652 403 797
20.02.2033	3 913 038 000	652 173 000	200 000		652 373 000

20.08.2033	3 260 865 000	652 173 000	163 949		652 336 949
20.02.2034	2 608 692 000	652 173 000	133 333		652 306 333
20.08.2034	1 956 519 000	652 173 000	98 369		652 271 369
20.02.2035	1 304 346 000	652 173 000	66 667		652 239 667
20.08.2035	652 173 000	652 173 000	32 790		652 205 790
20.02.2036	0	652 173 000	0		652 173 000
Жами		15 000 000 000	13 692 380	15 000 000	15 028 692 380

*) Бир марталик тўлов қарз ҳисобидан тўланади.

**) Тўлов суммалари қарзларнинг амалда ўзлаштирилишидан келиб чиқиб аниқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил ~~29~~ 29 мартдаги ~~165~~ 165-сон қарорига
2-илова

**ЯХҲА иштирокида “Ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида ЯХҲА томонидан ажратиладиган қарзни қайтариш, фоиз ва бир марталик тўлов бўйича тўловларни амалга оширишнинг
ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ**

Қарз миқдори 195 млн АҚШ доллари
Қарз муддати 25 йил
Имтиёзли давр 7 йил
Фоиз ставкаси * 6 ойлик LIBOR + 1,1%
Бошланғич бир марталик тўлов 0,10%

АҚШ доллари

Тўлов даври	Қарз қолдиғи	Тўлов миқдори			Тўланиши лозим бўлган умумий сумма ***
		асосий қарз	фоизлар	бир марталик тўлов **	
20.02.2021	195 000 000			195 000	195 000
20.08.2021	195 000 000		3 931 471		3 931 471
20.02.2022	195 000 000		3 996 633		3 996 633
20.08.2022	195 000 000		3 931 471		3 931 471
20.02.2023	195 000 000		3 996 633		3 996 633
20.08.2023	195 000 000		3 931 471		3 931 471
20.02.2024	195 000 000		3 996 633		3 996 633
20.08.2024	195 000 000		3 953 192		3 953 192
20.02.2025	195 000 000		3 996 633		3 996 633
20.08.2025	195 000 000		3 931 471		3 931 471
20.02.2026	195 000 000		3 996 633		3 996 633
20.08.2026	195 000 000		3 931 471		3 931 471
20.02.2027	195 000 000		3 996 633		3 996 633
20.08.2027	195 000 000		3 931 471		3 931 471
20.02.2028	189 729 720	5 270 280	3 888 616		9 158 896
20.08.2028	184 459 450	5 270 270	3 739 505		9 009 775
20.02.2029	179 189 180	5 270 270	3 672 582		8 942 852
20.08.2029	173 918 910	5 270 270	3 506 447		8 776 717
20.02.2030	168 648 640	5 270 270	3 456 548		8 726 818
20.08.2030	163 378 370	5 270 270	3 293 935		8 564 205
20.02.2031	158 108 100	5 270 270	3 240 513		8 510 783
20.08.2031	152 837 830	5 270 270	3 081 423		8 351 693
20.02.2032	147 567 560	5 270 270	3 024 479		8 294 749
20.08.2032	142 297 290	5 270 270	2 884 761		8 155 031
20.02.2033	137 027 020	5 270 270	2 808 445		8 078 715
20.08.2033	131 756 750	5 270 270	2 656 399		7 926 669
20.02.2034	126 486 480	5 270 270	2 592 411		7 862 681

20.08.2034	121 216 210	5 270 270	2 443 887		7 714 157
20.02.2035	115 945 940	5 270 270	2 376 376		7 646 646
20.08.2035	110 675 670	5 270 270	2 231 375		7 501 645
20.02.2036	105 405 400	5 270 270	2 160 342		7 430 612
20.08.2036	100 135 130	5 270 270	2 030 017		7 300 287
20.02.2037	94 864 860	5 270 270	1 944 308		7 214 578
20.08.2037	89 594 590	5 270 270	1 806 351		7 076 621
20.02.2038	84 324 320	5 270 270	1 728 274		6 998 544
20.08.2038	79 054 050	5 270 270	1 593 839		6 864 109
20.02.2039	73 783 780	5 270 270	1 512 240		6 782 510
20.08.2039	68 513 510	5 270 270	1 381 328		6 651 598
20.02.2040	63 243 240	5 270 270	1 296 205		6 566 475
20.08.2040	57 972 970	5 270 270	1 175 273		6 445 543
20.02.2041	52 702 700	5 270 270	1 080 171		6 350 441
20.08.2041	47 432 430	5 270 270	956 304		6 226 574
20.02.2042	42 162 160	5 270 270	864 137		6 134 407
20.08.2042	36 891 890	5 270 270	743 792		6 014 062
20.02.2043	31 621 620	5 270 270	648 103		5 918 373
20.08.2043	26 351 350	5 270 270	531 280		5 801 550
20.02.2044	21 081 080	5 270 270	432 068		5 702 338
20.08.2044	15 810 810	5 270 270	320 529		5 590 799
20.02.2045	10 540 540	5 270 270	216 034		5 486 304
20.08.2045	5 270 270	5 270 270	106 256		5 376 526
20.02.2046	0	5 270 270	0		5 270 270
Жами		195 000 000	122 946 371	195 000	318 141 371

*) Қарз бўйича фоизларни ҳисоблаб чиқишида LIBORнинг охириги 5 йилда энг юқори кўрсаткичи 2,91 фоиз, ўзгармас спред 2020 йил 15 июль ҳолатига кўра 1,1 фоизни ташкил этганлигини ҳисобга олган ҳолда, қарз бўйича йиллик фоиз ставкаси 4,01 фоизга тенг деб ҳисобланди.

**) Бир марталик тўлов қарз ҳисобидан тўланади.

***) Тўлов суммалари қарзларнинг амалда ўзлаштирилишидан келиб чиқиб аниқланади.

